# "Лазги" ансамли Шерободда бўлди

Тадбирда туман ҳокими ўринбосари М.Чориев иштирок этиб, бугунги кунда санъат ва маданият соҳасига қаратилаётган эътибор борасида сўз юритди. Шундан сўнг хушовоз хонандалар, маҳоратли созандалар-у гўзал раққосалар иштирокидаги концерт дастури намойиш этилиб, йиғилганларнинг барига хуш кайфият улашди.